

№ 23000-сонли шартномаси

Дўстлик ш.

«14» феврал 2022 йил

Дўстлик туман Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар: **Б.Мухторов** ва "shirmonbuloq qurilish" МСНУ (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар **М.Абдурахманов** Мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартноманинг предмети.

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаллари, ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда "ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Дўстлик туманида "Обод маҳалла" дастури доирасида ишларни жадаллаштириш сифатли олиб бориш мақсади эмульсол сотиб олиш учун

(бажарилиши лозим бўлган ишлар кўрсатилсин.)

Кўрсатилган ишларни бажариш учун Буюртмачи 2022__й. "___" _____га қадар Пудратчига зарурий лойиха-смета ҳужжатлари, техник шартлар, ускуналар, инструментлар ва материалларни тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб ускунасидан ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати:

2022 йил. "14" февралдан

2022 йил. "31" декабр гача

Пудратчи ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга(эга эмас).

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш – топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

2. Мажбуриятларнинг бажарилиш муддати.

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома қийматининг 30 % миқдорида банк тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг ишлар ҳажмидан 70 % ва қолган маблағни буюртмачига объектнинг фойдаланиш тугагандан сўнг узил-қесил ҳисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31-декабр гача қадар амал қилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларини, бутловчи ашёларини етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жарёнида шартнома шартларидан ишларни сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни _____ кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чоратadbирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги хукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур Шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, Пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳукукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин _____ кун ичида ёки мазкур Шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномада четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида Пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда Пудратчининг фаолиятига арилишмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган бахонинг Буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олгунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутаносиб қисмини Пудратчига тўлаш. Бунда Буюртмачи Пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг бахоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

4. Шартноманинг бахоси ва ҳисоблашишлар тартиби.

4.1. Мазкур шартноманинг бахоси 187720000 сўм (Бир юз саксон етти миллион етти юз йигирма минг) сўмни ташкил қилади.:

4.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов 56316000 сўм (Эллик олти миллион уч юз ўн олти минг) сўм асосида амалга оширилади.

(Бир вақтнинг ўзида, аванс тўлаш билан босқичма-босқич ва бошқа турда)

4.3. Мазкур шартнома бахоси манзилли дастур тасдиқлангандан сўнг ўзгартирилиши мумкин.

4.4. Йил давомида инфляция, хом ашё ва материаллар, ёқилғи мойлаш маҳсулотларининг қиймати ўзгариши муносабати билан шартнома бахосига тасдиқловчи ҳужжатларга асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи томонидан Пудратчига шартнома бахосини тўлаш Бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисоб варағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун Буюртмачига шартнома суммасидан 0.2 % миқдорида жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.2 % миқдори пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар бахосининг 0.2 % дан кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилаган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳаққини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.2 % миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 0.2 % дан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

- 5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.
- 5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.
- 5.5. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол Ёзмаравишда (электрон почта орқали) ёкиишончтелефони (78 150 26 03) орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўзфикрини билдириши мумкин.

6. Форс мажор ҳолатлари.

- 6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)
- 6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.
- 6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим..

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

- 7.1 Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.
- 7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралар йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф қилиш борасида қонунчиликка кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни

Хўжалик суди

(тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган)

да

(Суднинг номи ва жойлашган жойи кўрсатилсин)

Кўриб чиқишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

- 8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.
- 8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.
- 8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:
- Пудратчининг айби билан ишларнинг брошини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;
 - Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.
- 8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли;
- Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;
 - Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.
- 8.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.
- 8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

9. Якуний қодалар.

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова _____

10. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари.

Буюртмачи:

Ижро килувчи:

Дўстлик туман Ободонлаштириш бошқармаси	<u>"shirmonbuloq qurilish" MCHJ</u>
Манзили: Чинобод МФЙ Хамза кўчаси	Манзили: Дўстлик туман
Тел: 72 335-41-68	Тел:
Ш х/р: 100022860082157065200110001	Х/Р: <u>20208000905284871001</u>
ИНН: 201536877 ОКОНХ:39000	Банк: ОАТБ "Агробанк" г. Дўстлик
Газначилик х/р: 23402000300100001010	МФО: 00129 ОКОНХ:
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри	ИНН: <u>307769248</u>
МФО: 00014	
ИНН: 201122919	
Ўз.Рес Молия Вазирлиги Газначилиги	

Раҳбар: Б.Мухторов

Раҳбар: М.Абдурахманов





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA
HUQUQIY XULOSA
№ 1047**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** 23000-sonli shartnomasi

Loyihaning mazmuni:

Do'stlik tumani "Shirmonbuloq qurilish" mas'uliyati cheklangan jamiyati nizomi asosida ish yurituvchi Direktori M.Abduraxmanov (bir tomondan) va «Buyurtmachi» deb ataluvchi Do'stlik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan nizom asosida ish yurituvchi B.Muxtorov (ikkinchi tomondan)ning 187.720.000 so`mlik pudrat shartnoma loyihasi.

3. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do'stlik tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yilning 14-fevral kuni ishlab chiqilgan.
4. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yilning 16-fevral kuni yuridik xulosa olish maqsadida Markazga taqdim etilgan.
5. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

Shartnoma loyihasining moliyaviy tamonlariga markaz tomonidan javob berilmaydi!

Markaz bosh yuriskonsulti



M.A.Xolmurzayev

17.02.2022 yil